

Мискин (таяллуси; асл исм-шарифи Гуломхалил Тошмухаммад ўгли), (1880—Ташкент—1937) — шоир. Отаси темирчилик, михчагарлик билан шу-гулланган. Баландмачитдаги мактабда, сўнг «Кўкалдош» мадрасасида ўқиган. Дастребки шеърлари мухаббат мавзуида. Кўп ўтмай, шеъриятига замон садолари кириб келган. Халқимизнинг миллий-ижтимоий уйгонишида катта хизмат килган «Шуҳрат» газетасини шеър билан кувватлаб чиккан.

Мискин шеърларида халқ оммасини асрий жаҳолатдан уйгонишига чакирган. Халқка эрк ва озодлик руҳини сингдириш, уларни хак-хукуқ учун курашга уйготишда ўз хиссасини кўшган. Мискиннинг автобиографик шеърлари шоир хаётининг оғир ва мураккаб кечганини кўрсатади.

Мискин шеърларидан 2 девон тузган. 200 сахифадан кўпроқ 1-девондан 1925 йилгача ёзилган ва чоп этилган шеърлари жой олган. Сўнгги шеърлари эса 2-девонда жамланган бўлиб, 160—170 сахифани ташкил килган. Бирок уларнинг такдири номаълум. 70 га якин шеърларигина сакпанган. Ушбу шеърлар шоирнинг ўз каламига, ўз овозига эга бўлган, адабиётимиз тарихида сезиларли из колдирган истеъдод сохиби эканлигини кўрсатади. Шеърлари шу пайтга кадар тўпланган, ўрганилган эмас. Тошкентда Мискин номида кўча ва махалла бор.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Анодин янги туккандек кўзим очдим жаҳон ичра,
Ажойиб хур замон бўлди, кўринг, ёрон, жаҳон ичра.

Тазаллум тожу тахти ер била яксон бўлиб охир,
Адолат нури барк урди эзилган бу жаҳон ичра.

Бўлиб бизларга йўлбошли Иштирокион фирмаси раҳбар,
Хукмрон айлади ишчи била дехкон жаҳон ичра.

Неча юз минг менингдек бор эди олам аро Мискин,
Аларга килди шафкат инкилобким бу жаҳон ичра.

* * *

Йигламай найлай бу кун, девонадурмен, айрилиб,
Сабру хушу, аклдин бегонадурмен, айрилиб.

Волау шайдо бўлуб, айлар ишимни билмайин,
Телбалардек халқ аро мастанадурмен, айрилиб.

Сийна чоку, дийда гамноку паришон хол ўлуб,

Жон хазин, хотир гамин гирёна дурмен, айрилиб.

Фурсатим гўё бир ою соатим бўлмишки йил,
Бу жудолиг дардига хайронадурмен, айрилиб.

Хотирим вос-вос ўлуб, сўзлар сўзум бехуд-галат,
Элга мундог кулку хам афсонадурмен, айрилиб.

Охким, сен бирла юрганда эдим бир подшоҳ,
Найлай, энди бекасу гамхонадурмен, айрилиб.

Нола айлармен куюб, хажрингни оташгоҳида,
Кеча-кундуз Мискини сўзонадурмен, айрилиб.

* * *

Бизни ташлаб кайга кетди ул каро кошим менинг?!
Телмуриб йўлига кўздин окадир ёшим менинг.

Чорасиз колдим, нетай, хижрон ўтига ўртаниб,
Тўлди хасрат бирла куйган бу ичу тошим менинг.

Ёр кетар вактида менга кайрилиб бир бокмади,
Йигласам, айб айламанг, кавму кариндошим менинг.

Менга айдилар ракиблар, унга дил берган эдинг,
Бир келиб холимни сўрмас, ёру йўлдошим менинг.

Бедаво дардим иложин кимга изхор айласам,
Йиглагайман ишк дарди конидин ошим менинг.

Мискин ахволи харобин ким билур ул ёрсиз,
Айрилиб, хеч ерга сигмас бул гариб бошим менинг.

* * *

На килай гулшанни, ул гул юзли жонон бўлса бас,
Хохламас сунбулни дил, зулфи паришон бўлса бас.

Рагбатим йўқ сарв бирла сабзаларнинг сайрига,
Махвашим ул сарви комат, каддирайхон бўлса бас.

Менга таъриф айламанглар, базми Жамшидни нетай,
Севганим бир соате ёнимда меҳмон бўлса бас.

Бода кайфидан менга, дўстлар, гапирманг зинхор,

Маст этолмас май мени, ул кўзи маston бўлса бас.

Мискин ахволин кўриб, бедардлар нелар демас,
Бок йўк эл таънасига, ўзи севгон бўлса бас

* * *

Эй дилбари жононим, кўп нозу итоб этма,
Юз жабру жафо бирлан холимни хароб этма.

Мастона кўзинг бирла кошинг киличин тортиб,
Бир-бирга имо айлаб, катлимга хитоб этма.

Хуснинг хакки, эй жонон, килма мени кўп шайдо,
Агёр ила май ичиб, багримни кабоб этма.

Дод ила фигонимга бўлгайму киё боксанг,
Зор ила, аё дилбар, хажрингда азоб этма.

Конимни тўкар бўлсанг, эй кўзлари жаллодим,
Кўй холима бир соат, ўймокка шитоб этма.

Лаълингни закотидин Мискинга карам айла,
Келганда эшигингга сен тарки жавоб этма.

* * *

Сабо айгилки, жононим каёндур,
Юзи гул гунча хандоним каёндур?!

Мени ишки била девона килган,
Ситамгар кўзи чўлпоним каёндур?

Ётибман дарди хижрони билан зор,
Этинглар дарда дармоним каёндур?

Йўлида интизорим хаддин ошди,
Демас холи паришоним каёндур.

Бўлибман хасратидин мисли Яъкуб,
Ушал Юсуфи Канъоним каёндур?

Кўриб гулларни дерман телбалардек,
Дейинг сарви хиромоним каёндур?

Умидинг кесма, Мискин, раҳматидин,

Дема илкимда эхсоним каёндур.

МУХАММАС

Манам Мажнуни ишк, дўстларки, бир Лайлони изларман,
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шахлони изларман,
Ажаб бир тийра дилдурман, камар сиймони изларман,
Мани ишкида зор этган кади зебони изларман,
Ушандок офати жон шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзицурман жаҳон гулзорини найлай,
Анга кўнгулни олдиридим бўлак дилдорини найлай,
Деюрга сирри маҳрам йўқ, бу гам изхорини найлай,
Маломат килса килсин эл, алар гуфторини найлай,
Кечибман ори номусдин, ўшал барнони изларман.

Ёронлар, бир париваш ишкининг девонаси бўлдум,
Бериб барбод аклимини, хирад бегонаси бўлдум,
Кўриб хусни чарогини, ёниб парвонаси бўлдум,
Нетай Мискин каби халки жаҳон афсонаси бўлдум,
Жунуним айб килманглар, махи анкони изларман.

МУРАББАЪ

Кўрдим хатингиз, зебо санамлар,
Катлимга эркан ёзган ракамлар.
Бераҳм айлаб бизга ситамлар,
Рахм айламайсиз, коши каламлар.

Кош узра фаркни эгри кўярсиз,
Ошикларингиз бетиг сўярсиз,
Сокий бўлибон майлар куярсиз,
Рахм айламайсиз, коши каламлар,

Ошиклар ичра дилхаста, Мискин,
Ишк булбулидир, вобаста Мискин,
Гам доми бирла побаста Мискин,
Рахм айламайсиз, коши каламлар.